

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ТАРИХИДА НИКОҲ ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАҲЛИЛИ

Фархутдинова Матлуба Аманбаевна
Тошкент вилояти юридик техникуми катта ўқитувчиси

Аннотация: Инсоният цивилизациясининг ҳозирги даражасида оилани ҳимоя қилиш ва болаларга ғамхўрлик қилиш ўта долзарб мавзулардан бўлиб, мазкур мақолада ушбу мавзуга оид тарихий ҳуқуқий манбалар таҳлил этилган. Никоҳни тузиши ва бекор қилишини ҳуқуқий тартибга солиш, ҳимоялаш қилишининг ҳуқуқий асослари ҳамда қонуний жиҳатларига эътибор берилган. Никоҳ ва оилавий муносабатларни самарали тартибга солувчи мақбул ривожланган ҳуқуқий нормалар тизими жамият деб аталадиган ижтимоий жамиятнинг барқарор ривожи учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: оила, никоҳ, ҳуқуқ, қонун, ҳимоя

ТАДҚИҚОТНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.

Мақола устида ишлаш жараёнида илмий билиш усуллари қўлланилди, улар орасида асосий ўринни расмий ҳуқуқий таҳлил усули эгаллаган. Бундан ташқари, тарихий, тизимли, қиёсий-ҳуқуқий ва статистик усуллар кенг қўлланилган. Халқаро характердаги никоҳ ва оилавий муносабатларни тартибга солиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг ривожланиш тарихини ўрганишда тарихий усулдан ҳам фойдаланилган.

Тарихдан маълумки, оила муаммолари, никоҳ ва оилавий муносабатларни тартибга солиш доимо давлат диққат марказида бўлиб келган. Ҳозирги вақтда жамиятнинг ушбу энг муҳим ижтимоий тузилишига қизиқиши янада ошди.

Дунё мамлакатларида оила институтига алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, глобаллашув жараёнларида бу институтда ҳам муаммолар юзага келмоқда. Айниқса, европа давлатларида бир жинсли оилалар бўйича қонунлар қабул қилиниши янги давр ёшларининг маънавий ҳаётига счалбий таъсир етказади. Шу маънода мазкур мақолани долзарб деб топдик.

Агар сиз юридик мактаб ўқитувчиси сифатида Авесто китиоби, Ману қонунлари ёки Артхашастра, Хамураппи қонунларини кўриб чиқсангиз ва ўргансангиз...кейин қадим замонларда оила қандай ҳимояланганини кўришингиз мумкин.

Масалан, қадимги Ҳиндистон катта патриархал оила билан ажралиб туради. Оила бошлиғи-ер. Аёл бутунлай эри ва ўғилларига қарам еди. Биринчи сатрларда аёлларнинг оиласидаги бўйсунувчанлиги катта патриархал оиласарнинг мавжудлиги ҳақида гап боради. Оиласининг барча аъзолари отага

сўзсиз бўйсунишган ва тўнғич ўғил алоҳида лавозимни егаллаган, улар оталариға қандай ҳурмат билан муносабатда бўлишлари керак еди.

Аёлни бутун умри давомида эркак ҳимоя қилиши керак еди (отаси-болаликда, эри-ёшлиқда, ўғли-қариликда). Унинг асосий мақсади болалар, айниқса ўғилларнинг туғилиши ва тарбияси деб ҳисобланган. Онанинг эри, аслида ким бўлишидан қатъи назар, боланинг қонуний отаси ҳисобланган. Хотин ва болаларни сотиш мумкин деб ҳисобланган, аммо бу гуноҳ ҳисобланган, лекин ҳатто сотилган хотин ҳам эридан озод қилинмаган.

Кўпхотинлилик тан олинди. Ману қонунларида ота қизи учун мукофот олмаслиги кераклиги аниқ белгилаб қўйилган, лекин аслида никоҳ яширин савдо еди. Никоҳ ёши жуда паст бўлиб, бу кўпинча турмуш ўртоқларнинг ёшида катта фарқقا олиб келди. 16 ёшдаги эркаклар ва 12 ёшдаги аёллар вояга етган деб ҳисобланган.

Қон қариндошлари ўртасидаги никоҳ тақиқланган, укаси каттасидан олдин уйлана олмаган. Алоҳида қисмлар хотинни ҳимоя қилиш ва ернинг бурчи бўлган "насл поклиги" га бағишиланган (ИХ, 6, 7).

Ману қонунлари Ҳиндистонда кенг тарқалган саккизта никоҳ шаклини ажратиб туради.

Ману қонунларида оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган анчагина моддалар мавжуд. Қонунлар эр-хотиннинг хиёнати учун, аёлларнинг номусига тажовуз учун қаттиқ жазолар ўрнатган. Артхашастраларда эр-хотиннинг ҳар қандай кўринишдаги хиёнати: бироннинг хотини билан хуфёна суҳбатлашиш, хизматини қилиш, у билан ўйнашиш, унинг кийимиға тегиш ва бошқалар учун ўлим жазоси назарда тутилган. Шуниси характерлики, эрининг розилиги билан хотиннинг фоҳишабозлик қилиши жазоланмаган (Ману қонунлари, VIII боб, 362-модда Нарада, I боб, 183-модда).

Варналар ўртасида никоҳ ва оилавий муносабатларда кенг чекловлар ўрнатилган.

Қадимги Ҳинд қонунларига қўра ажрашишга йўл қўйилмади, лекин агар оиласида болалар бўлмаса, эр хотинини ташлаб кетиши мумкин бўлган.

Қадимги Хитойда оила патриархал характерга эга бўлган. Катта оилавий алоқалар мустаҳкамлиги билан ажралиб турган. Катта оила тепасида оиласида энг катта эркак турган. Унга оиланинг барча аъзолари: хотинлар ва жазманлар, ўғиллар ва набиралар, уларнинг хотинлари ва болалари, қуллар ва хизматчилар бўйсунган.

Оила бошлиғи унинг мутлақ ҳукмдори, мулкининг хўжайини сифатида майдонга чиққан. У итоатсиз оила аъзоларини жазолаш ҳуқуқига эга эди.

Ерга нисбатан хусусий мулкчиликнинг ривожланиши билан катта оилавий алоқалар заифлаша бошлади. Бу жараён легистлар сиёсати билан тезлаштирилган. Милоддан аввалги 356-350 йилларда Шан Ян кучли марказлашган ҳокимият ташкил этиш йўлида тўсиқ ҳисобланган нуфузли катта

оилаларнинг, оилавий уруғ-аймоқларнинг ажралиб чиқишлирига қарши курашиб, уларни мажбурий суратда бўлиб юборишга каратилган сиёсат юргазди. Бироқ катта оила ижтимоий-хўжалик ячейкаси сифатида кейинги асрларда ҳам сақланиб қолди.

Никоҳ-оила ҳуқуқи асослари конфуцийлик таълимоти асосига қурилган эди.

Никоҳ тузиш учун қатор шартларга риоя этиш талаб қилинган. Никоҳ томонларнинг ота-онаси ёки қуёвнинг ўзи томонидан тузилган ва хусусий битим сифатида расмийлаштирилган. У бузилган тақдирда нафақат моддий жавобгарлик келиб чиқсан, балки оиладаги катталарга нисбатан жиноий жазо берилишига ҳам сабаб бўлган.

Дастлабки пайтларда Хитойда (Шан-Ин даврида) қариндошлар ўртасидаги никоҳга йўл қўйилган эди. Лекин кейинчалик бу тақиқланган ва ҳатто қариндош оилалар аралашиб кетмаслиги учун келин ва қуёв битта фамилияда бўлмасликлари талаб қилинган. Бироқ Хитой жамиятида оилавий фамилияларнинг камлиги бу кескин қоидага маълум истисноларни назарда тутган. Масалан, “иккинчи даражали хотин” сотиб олишга бир хил фамилияда бўлишлик тўсқинлик қилмаган (Ли цзи, I китоб).

Ли цзининг V китобида никоҳ ёшининг ўзига хос қуи ва юқори чегараси: эркаклар учун 16 ёшдан 30 ёшгача, аёллар учун 14 ёшдан 20 ёшгача қилиб белгиланган. Бунга амал қилинишини давлат ҳам назорат қилиб турган. Шу мақсадда Чжоу лининг XI китобида маҳсус чиновниклар учун никоҳ ёшининг энг охирги чегарасига етиб келган эркаклар ва аёлларнинг рўйхати тузилган. Қоидага кўра, 30 ёшга тўлган бўйдоқ эркаклар 20 ёшга тўлган қизларни хотинликка олишлари лозим бўлган.

Оилавий муносабатларда хотинининг эрга нисбатан садоқатли, вафодор бўлишлиги қаттиқ талаб қилинган. “Бир хотинга бир эр” деган тамойил ўрнатилган эди. Лекин эр “иккинчи даражали” хотинларга ва жазманларга (айниқса хотини туғмайдиган бўлса) эга бўлиши мумкин эди. Уларнинг нечтагача бўлиши мумкинлиги эркак кишининг ижтимоий ҳолатига қараб белгиланган (Ли цзи, XIV китоб; Чжоу ли, VII китоб). Никоҳ тузишга тўсқинлик қиласидиган қатор сабаблар санаб кўрсатилган. Хотин эри ўлганда янги никоҳга кириши учун маълум мотам муддати ўтишини кутиши лозим эди. Худди шунингдек, бева хотин собиқ эрининг ота-оналари вафот этганда ҳам юқоридаги тартибга амал қилишга мажбур бўлган. Жиноят содир қилган шахслар билан никоҳга кириш тақиқланган. Юқори табақадагиларнинг паст табақадагилар билан никоҳга кириши ман этилиб, бунинг учун жиноий жавобгарлик ўрнатилган. Айниқса, эркин кишиларнинг қуллар билан никоҳга кириши қатъий тақиқланган эди. Эркин киши қул аёлни хотинликка олса, ўғри сифатида жазоланган.

Қадимги Хитой анъанавий ҳуқуқида никоҳни бекор қилиш учун қаттиқ чеклашлар ўрнатилмаган. Унда “эр-хотинлик бурчини бузганлик учун” ҳатто жиноий жавобгарлик назарда тутилиб, арзимаган ҳолатларда никоҳни бекор қилиш мумкин эди. Ҳақорат қилиш, уриш, тан жароҳати етказиши ва бошқа йўллар билан эр-хотиннинг бир-бирига ва қариндошларига зарар етказиши “эр-хотинлик бурчини бузганлик” сифатида қаралган. Никоҳни бекор қилишни фақат эр-хотин эмас, балки уларнинг оила аъзолари ҳам талаб қилиши мумкин эди. “Ли”да эрнинг ташаббуси билан никоҳни бекор қилишга асос бўлган қатор ҳолатлар санаб ўтилган. Бунга кўра, агар хотин “авлодларнинг умидини оқламаса”, қайнона ва қайнотага қулоқ солмаса, наслсиз, суюқоёқ, ҳасадгўй, вайсақи, оғир касал бўлса, шунингдек, оила мулкидан ўғрилика фойдаланса, эр жазо бериш билан қўрқитиб никоҳни бекор қилиши мумкин эди.

Хотиннинг никоҳни бекор қилиш ҳуқуқи жуда чекланган. Қоида бўйича, хотин эри билан “ердаги ҳаётда ҳам ва нариги дунёда ҳам” бирга қолиши лозим эди (Ли цзи, XI китоб). Хотиннинг икки марта турмуш қуриши амалда мумкин эмас эди. Бироқ эр ҳам асосиз никоҳни бекор қилишни талаб қилса, каторга ишларига маҳкум этилган. Агар хотиннинг борадиган жойи бўлмаса ёки эрининг ота-онасининг мотам маросимлари ўтаётган бўлса, эр никоҳни бекор қила олмаган. Бундан ташқари, хотин томонидан оғир жиноятлар ва хиёнатдан бошқа ҳар қандай ҳуқуқбузарликлар содир этилганда, эр уни кафилликка олиши лозим эди.

Оилада ота нафақат хотин устидан, балки унинг бошқа аъзолари, жумладан, болалар устидан ҳам ҳукмронлик қилган. Отa катта ўғлидан ташқари бошқа фарзандларини сотиши мумкин эди. Катта ўғил оилада бошқа болаларга нисбатан қатор имтиёзлардан фойдаланган. Хитойда ота, она, отаси бўйича бува ва буви томонидан ўғилни, набирани, келинни уриш-калтаклаш оқибатида уларнинг ўлимига сабаб бўлса, ҳеч қандай жазо чораси назарда тутилмаган. Бу тартиб Хитойда то XIX асрнинг сақланиб қолган.

Оила аъзолари, айниқса, аёллар зиммасига вафот этган қариндошлари учун маълум муддат мотам либосларини кийиб юриш мажбурияти юклangan. Бунга амал қилмаслик “оилавий” жиноят ҳисобланган. Катта оиладан рухсатсиз алоҳида ажralиб чиқишига ҳаракат қилган ёки оила мулкини рухсатсиз ўзиники қилиб олган ўғиллар, набиралар ҳам жазолангандар. Оилада қариндошлик алоқалари, катта ёки кичик ёшда бўлишлик “оилавий” ва бошқа жиноятлар учун бериладиган жазонинг оғир-енгиллигига таъсир қилган. Масалан, отанинг ўғил мулкини ўғирлаши жиноят ҳисобланмаган, аммо оиланинг каттаси ҳатто жиноят қилганда ҳам буни оила аъзоларидан бири бировга хабар берса, қаттиқ жазога тортилган.

Шундай қилиб, оилавий муносабатларни, шунингдек мулкий муносабатларни тартибга солиш жамиятнинг касталарга бўлинишини акс еттирди. Патриархат оилавий муносабатларда яққол намоён бўлди. Худди шу

нарса мулкни мерос қилиб олиш муносабатларини тартибга солиш учун ҳам амал қиласи.

Агар тарихий манбаларни бугунги янги Ўзбекистонда оилавий муносабатлар ривожи билан қиёсласак, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, оила жамиятнинг асосий бўғини бўлиб, жамият ва давлатни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Жумладан, Конституциямизнинг XIV боби “Оила, болалар ва ёшлар”га қаратилган бўлиб, унинг 76-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир эканлиги, никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади. шунингдек, давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шартшароитлар яратиши белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари:

Биринчидан, оила институтини мустаҳкамлашнинг институционал ва ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда, ижтимоий шериклик мустаҳкамланмоқда.

Иккинчидан, замонавий оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Учинчидан, демографик ривожланиш ва оила фаровонлиги даражасининг ошиши рағбатлантирилмоқда, бугунги кунда ҳар бир оила маҳалла, жамият ва давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Тўртинчидан, жамиятда анъанавий оилавий қадриятларни сақлаб қолиш, шунингдек, ҳар бир оиласида маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш мақсадида оиланинг тарбиявий салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, ҳар бир оиласи таъсирчан методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизими яратилган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон конституцияси.2023. <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Муҳамедов Ҳ.М. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. (Қадимги дунё давлати ва ҳуқуқи тарихи). I қисм. Дарслик. – Т.:Адолат, 1999. – Б. 4-183.;
3. Мухамедов Ҳ.М. Қадимги давр ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Тошкент давлат юридик университети, 2018. – Б. 3-70.
4. Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Тошкент.:Akademnashr, 2012. – Б. 3-58.

5. Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ тарихи. Дарслик / Х.Т. Одилқориев, Н.П.Азизов, Ҳ.Р.Мадиримов – Тошкент: ИИВ Академияси, 2013. – Б. 10-35.